Куч — адолатда

2010 йил,
11 март,
пайшанба
№ 10 (264)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Иқтидорли ёшлар — юрт истиқболи

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши юрт истиқболига хизмат қилади.

Ёшларнинг ўз қобилиятларини рўёбга чиқариб, салоҳиятини намоён этишлари учун имкониятларни кенгайтириш, барча соҳада етук ёш мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бугун ўзининг аниқ самарасини бермоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этилаётгани салоҳиятли ёшлар сафи тобора кенгайишида муҳим омил бўлмоқда. Ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида жойларда турли соҳаларга ихтисослашган замонавий касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар барпо этилди. Ушбу муассасаларнинг моддий-техник базасини замон талаблари даражасида мустаҳкамлаш, малакали педагог кадрларни жалб қилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Мустақиллик йилларида таълим соҳасидаги янги тизимнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўқув муассасалари ҳодимларининг эътибори таълим мазмунини такомиллаштиришга, ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини оширишга, илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг жорий этишга қаратилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, чуқур билимли, маънавияти юксак ёш мутахассисларни тайёрлашдан иборат, — дейди **Қашқадарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Зафар ҚОБИЛОВ.** — Дастур асосида вилоятимизда ҳам кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Аввало шуни айтиш керакки, амалдаги қонунчиликда фуқаролик ишларининг нафақат тўғри кўриб чиқилиши, балки белгиланган муддатларга қатъий риоя этиш зарурлиги ҳақида ҳам тегишли тушунтиришлар берилган. Шунинг учун ҳам фуқаролик ишларини ўз вақтида кўриш ва ҳал этиш суд ишларини юритишнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Фуқаролик процессида муддатлар

Олий суд Пленумининг **«Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида»**ги 1999 йил 24 сентябрдаги қарорида ҳам фуқаролик ишларини кўриш муддатларига оғишмай риоя этишга одил судловни амалга оширишда, суд иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида судларнинг эътибор қаратиши ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган. Судларда фуқаролик ишларини юритишда процессуал муддатларга риоя этиш суд ҳокимиятини амалга оширувчи барча босқичдаги судлар учун ҳам, ишда иштирок этувчи шахслар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан фуқаролик ишларини юритишни ўз вақтида таъминлаш мақсадида процессуал муддатлар қонуний тарзда белгилаб қўйилди.

Процессуал муддатлар деганда фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал қилиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган вақт тушунилади. Мазкур муддатлар суд, ишда иштирок этувчи шахслар, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар, шунингдек, айрим ҳолларда ишда иштирок этмайдиган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади.

Таъкидлаш керакки, «муддат» атамаси моддий ҳуқуқ (фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой) соҳасида ҳам кенг қўлланилади. Шунинг учун процессуал муддатларнинг ўзига хос фарқли жиҳатларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Биринчи фарқ шундан иборатки, процессуал муддатлар айнан процессуал ҳаракатларни амалга ошириш вақтини белгилайди. Процессуал муддатлар низоли моддий-ҳуқуқий муносабатга таъсир кўрсатмайди. Процессуал муддатларнинг даъво муддатидан ҳам фарқини аниқлаб олиш керак. Амалдаги қонунчиликка кўра, даъво муддатининг ўтиши моддий ҳуқуқнинг тугатилишига олиб келмайди ва шахсни суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

(Давоми учинчи бетда)

Islohot va samara

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлган адвокатура тизимини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда унинг жамиятдаги мавқеини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, кучли, мустақил адвокатура тизими шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоячиси



Амалдаги қонунларимизда адвокатларнинг дахлсизлиги ва касбий кафолатларини таъминлашга қаратилган меъёрларнинг белгиланганги адвокатура институтининг мустақиллигини таъминлади ҳамда адвокатларга касбий вазифаларини тўлиқ амалга оширишда кенг имкониятлар яратди. Турли ташкилий шаклдаги адвокатлик тузилмаларининг фаолият юритаётгани соҳада соғлом рақобатни вужудга келтириб, кўрсатилаётган юридик ёрдамнинг сифат даражаси яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг **«Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони бунда алоҳида аҳамият касб этди.

(Давоми учинчи бетда)

Huquq va burch

Бош қомусимиз саналган Конституциямизнинг 37-моддасига мувофиқ ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Ҳар бир шахснинг меҳнатга бўлган муносабати қонун орқали тартибга солинади.

Меҳнат ҳуқуқи кафолати

Амалдаги қонунга асосан, барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин. Чунки ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонун билан кафолатланади.

1995 йил 21 декабрда Меҳнат кодексининг қабул қилиниши муносабати билан меҳнат қонунларининг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш ва меҳнат низоларини кўришда судларда вужудга келадиган масалаларни тушунтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан 1998 йил 17 апрелда **«Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида»**ги қарор қабул қилинди.

Меҳнат низолари билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётидан кўринишича, бу тоифадаги ишларнинг асосий қисмини иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги низолар ташкил этмоқда.

Бундай ишлар қонуний муддатларда кўрилиб, ходимларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, айбдор шахсларга нисбатан таъсир чоралари кўриб келинмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот Маркази БМТнинг Марказий Осиёдаги минтақавий бошқармаси билан ҳамкорликда БМТ томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни жамлаб, китоб ҳолида нашрдан чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида ушбу китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko`magi

Фермерлар фаолияти

ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўлиқ кафолатланади

Мамлакатимизда кичик ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш рағбатлантириш орқали кўп тармоқли иқтисодиёт шакллантириб борилмоқда. Бу тармоқнинг янада равнақ топишида шартнома интизоми алоҳида ўрин тутади.

Айниқса, фермер хўжаликлари билан тайёрловчи корхоналар ўртасида тузилган шартномаларнинг ўз вақтида бажарилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг маҳсулдорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликларига давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларнинг эркин фаолият кўрсатиши, жадал ривожланишининг асосий омили бўлмоқда. Ўтган давр мобайнида фермер хўжаликлари фаолиятининг ҳуқуқий асоси янада мустаҳкамланди.

Адлия вазирлигига фермер хўжаликларининг қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда уларнинг хўжалик фаолиятига бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ноқонуний аралашувига қатъий чек қўйиш вазифалари ҳам юклатилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Qaror va ijro

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ҳамда иқтисодиётга инвестицияларни кенг жалб этишда суғурта хизмати муҳим ўрин тутади. Шу боис соҳада рақобатни янада ривожлантириш, суғурта хизмати фаолиятининг замонавий турларини такомиллаштириш ва сифатини ошириш, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини кўпайтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётир. Натижада бугунги кунда аҳолининг суғурта компанияларига бўлган ишончи тобора мустаҳкамланмоқда.

Ҳаёт суғуртаси

инсон манфаатини кўзлайди

Бу соҳада давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 10 апрелда қабул қилинган **«Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад, аввало, инсон манфаатларини таъминлашдир. Бош қонунимизда ҳам инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилган. Жамиятимизда ижтимоий муҳофаза тизими мустаҳкамланиши билан биргa бозор иқтисодиётига хос ҳимоя воситалари учун зарур шарт-шароит яратилаётгани ҳам айни шу мақсадга хизмат қилмоқда. Хусусан, суғурта бозорида бугунги кунда нафақат бизнес субъектлари, балки инсон ҳаётини ҳам ҳимоялаш тизими ҳам шакланди.

(Давоми иккинчи бетда)

Ушбу сонда:

Сохта лицензияли «тадбиркор» 3

Тарбия масъулияти 4

Васийлик ва ҳомийлик 4

Xabar

Ўзбекистон Республикаси Олий судида



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Тадбирда халқимиз мустақилликка эришгач, Конституциямизда халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги белгиланган ҳамда қўплаб халқаро конвенцияларга қўшилганимиз алоҳида қайд этилди.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва БМТнинг Марказий Осиёдаги минтақавий бошқармаси ўртасида 2009 йил 15 майда имзоланган ўзаро англашув Меморандуми ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланган бўлиб, у кенг жамоатчиликка БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлари ҳақида атрофлича маълумот беради.

Шу ўринда айтиш керакки, ушбу бошқарма БМТнинг минтақавий тузилмаси бўлиб, унинг ваколатига халқаро жиноятчилик ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш, шунингдек, судлов соҳасидаги ислоҳотларни янада ривожлантириш ва жиноятчиликнинг олдини олишга техник ёрдам кўрсатиш каби вазифалар киради.

Ушбу тадбир томонларнинг судлов тизимини умумэътироф этилган халқаро меъёр ва стандартлар асосида ривожлантириш борасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

Qaror va ijro

Ҳаёт суғуртаси

инсон манфаатини кўзлайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

«O'zbekinvest Hayot» суғурта компанияси бу борада изчил чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

— Компаниямиз томонидан кўрсатилаётган хизматлар асосан инсон ҳаётини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, ҳозирги кунда суғурта маҳсулотлари тури 16 тадан ошди, — **дейди мазкур компания бош директори Камолиддин АБДУРАҲИМОВ.** — Бахтсиз ҳодисалардан, касалликлардан суғурта қилиш шулар жумласидандир. Зеро, бундай вазиятда инсон кўпроқ ҳимояга муҳтож бўлади. Бу борада суғурта кафолати мавжуд бўлса, чиқимлар компания томонидан тўланади.

Компания активларини ошириш мақсадида таъсисчилар таркиби кенгайтирилди. Натижада компания низоми жамғармасининг миқдори 1,5 миллион евро эквивалентига етказилди. Бу эса компаниянинг фаолият кўлами ва доирасини янада кенгайтириш имконини берди. Компания ўтган йилда ўз зиммасига бир триллион сўмликдан зиёд суғурта мажбуриятини олгани шундан далолатдир.

Суғуртага олинаётган қалтисликлар бўйича компания бугунги кунда жавобгарликни тўлиқ олиб бора олади. Чунки у миллий рейтинг шкаласи бўйича «uzB++», яъни етарли молиявий барқарорлик рейтингига эга. Бундай рейтинг берилган компания қисқа муддат ичида ўзининг молиявий мажбуриятларини бажара олади. Шу боис ҳам бугунги кунда «O'zbekinvest Hayot» компанияси миллий суғурта бозорининг шахсий суғурта сегментида етакчиликни ўзида сақлаб келмоқда.

Бундан ташқари, мазкур суғурта компаниясининг ҳамкорлари — Ўзбекистонда «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ва «Transinsurance» масъулияти чекланган жамияти ҳамда хорижда «Mondial Assistance International AG» (Швейцария) ва «Ингосстрах» (Россия) компанияларидир. Компаниянинг ҳамкорлари юқори даражадаги молиявий рейтингларга эга бўлиб, бу ҳолат қайта суғурталаш амалиётининг мўътадил амалга оширилишини таъминлайди.

Компания томонидан амалга оширилаётган ҳаётни жамғариб бориладиган суғурта асосида ҳимоялаш дастури ҳозирги кунда мижозларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бунда инсон ўз ҳаётини маълум муддатга суғурталайди ва муайян бадалларни компанияга тўлаб боради. Компания эса бу маблағни шунчаки жамғармасдан, уни кўпайтириб боради. Суғурта муддати якунига етганда эса мижоз катта миқдордаги маблағ эгасига айланади. Иқтисодчилар тили билан айтганда, мижоз ўз ҳаётига ўзи инвестиция киритади. Эътиборли жиҳати шундаки, мижознинг даромади ошиб бораси, аммо тўлайдиган бадали миқдори ошмайди. Шунингдек, мижознинг белгиланган маблағни ўз вақтида олиши кафолатланади ва бу маблағ солиққа тортилмайди.

Хорижга чиқувчи шахсларнинг тиббий суғуртаси ижтимоий аҳамиятга молик. Чунки шу орқали мижозларнинг чет элда малакали тиббий ёрдамга эга бўлиш имконияти кафолатланади. Бу қулайлик мижоз ва ҳамкорларга мақбул бўлиб, пойтахтимизда ўтказилган халқаро сайёҳлик ярмаркасида «O'zbekinvest Hayot» суғурта компанияси саёҳатчилар учун Ўзбекистоннинг энг яхши суғурта компанияси, деб эътироф этилди.

Бундан ташқари кредит олувчилар ҳаётини суғурталаш ҳам йўлга қўйилган. Бунинг моҳияти шундаки, банкдан кредит олган шахс бирор тасодиф туфайли ногирон бўлиб қолса ёки бошқа бахтсиз ҳодиса рўй берса, зиммасидаги қарзни суғурта компанияси тўлайди. Кўнгилли тиббий суғурта, тиббий харажатлар бўйича суғурта ва юқумли касалликлардан суғурталаш йўналишларида эса инсон саломатлигига путур етса, харажатлар суғурта усулида қопланади. Шунингдек, компания хизматлари ичида турли бахтсиз тасодифлардан суғурталаш тизими ҳам мавжуд.

Ҳозирги кунда юртдошларимизнинг ўз ҳаётларини суғурталашга қизиқиши ортмоқда. Ҳаёт суғуртаси тармоғида мажбуриятлар кўпайиши билан бирга, суғурта мукофотлари ва тўловлари ҳажми ҳам ошди. Ўтган йили суғурта мукофотлари миқдори икки миллиард сўмдан ортиқроқни ташкил этган бўлса, мижозларга 1,5 миллиард сўмга яқин суғурта тўловлари тўланди. Бу кўрсаткичлар олдинги йиллардагига нисбатан бир неча баробар кўп бўлиб, жорий йилда ҳам фуқароларимиз манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган бундай хайрли ишлар изчил давом эттирилаётир.

Норгул АБДУРАИМОВА,
журналист

Muloqot

Газетхон савол беради...

Айтинг-чи, нотариус меросхўрларни мерос очилгани ҳақида қандай тартибда хабардор қилади?

Шавкат ЁРОВ,
Бўстонлиқ тумани



— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, **«Нотариат тўғрисида»**ги қонуннинг 49-моддасига мувофиқ, нотариус мерос очилгани ҳақидаги хабарни олгач, бу тўғрисида турар жойи ва иш жойи ўзига маълум бўлган меросхўрларни хабардор қилиши шарт. Нотариус бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида ошкора маълум қилиш ёки хабар бериш йўли билан меросхўрларни чақириши ҳам мумкин.

Айтинг-чи, йиллик узайтирилган асосий таътиллар кимларга ва қандай тартибда берилади?

Низом ЭЛМУРОДОВ,
Пахтакор тумани



— Меҳнат кодексининг 135-моддасига мувофиқ, қуйидагиларга уларнинг ёши ва соғлиғи ҳолатини ҳисобга олиб, йиллик узайтирилган таътил берилади:

— ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга — ўттиз календарь кун;

— ишлаётган 1 ва 2 гуруҳ ногиронларига — ўттиз календарь кун;

Айрим тоифадаги ходимларга, уларнинг меҳнат вазифалари ўзига хос хусусиятларини ҳамда бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ узайтирилган таътиллар берилади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ёки бошқа норматив ҳужжатларда белгиланганидан ташқари, меҳнат шартномасининг шартларида ҳам узайтирилган йиллик таътиллар бериш назарда тутилиши мумкин.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

2010-yil — Barkamol avlod yili

Иқтидорли ёшлар — юрт истиқболи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ҳозир вилоятимиздаги еттита академик лицей ва 125 касб-ҳунар коллежида ёшларга қишлоқ хўжалиги, қурилиш, маиший хизмат, саноат, транспорт, компьютер ва ахборот технологиялари, иқтисодиёт, тиббиёт, санъат ва маданият, педагогика каби йўналишлар бўйича билим берилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари ҳисобга олинган ҳолда кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Касб-ҳунар коллежларида мутахассисликлар рўйхати иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада юз бераётган таркибий ўзгаришлар ҳамда эҳтиёжларга мослаштирилди. Иш берувчи корхона ва ташкилотларнинг талабларига кўра ўндан ортиқ янги мутахассисликлар очилди.

Ўтган йили бошқармамиз тасарруфидаги 132 та таълим муассасасига 51 минг 182 нафар ўқувчи қабул қилинди. Айни пайтда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда 120 га яқин ихтисослик бўйича 124 минг 388 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини 29 минг нафар ёш йигит-қиз битирди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш даврида жами 52 минг 32 ўринли 72 та янги қурилган ва 37 минг 655 ўринли 60 та реконструкция қилинган ўқув масканлари ишга туширилди. Ушбу муассасалар энг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Хусусан, уларнинг қирққа яқини Осиё тараққиёт банки кредити асосида жиҳозланди. Косон маиший хизмат, Шаҳрисабз озиқ-овқат ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежларида ўқув амалиёти учун қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик цехлар ташкил этилди. Нишон маиший хизмат, Касби маиший хизмат, Муборак саноат касб-ҳунар коллежларига сўнгги русумдаги тикув машиналари келтирилди. Китоб туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежига эса сутни қайта ишлаш линияси ўрнатилди. Айни пайтда ушбу технологиялардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилмоқда.

Ўқувчи-ёшларнинг янги адабиётлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, замонавий компьютерлар ва интернет тармоғидан фойдаланиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Президентимизнинг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисидаги қарори асосида лицей ва коллежларда ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди. Китоб фонди бой, замонавий жиҳозланган ахборот-ресурс марказларида алфавитли ҳамда электрон тизимли каталогларнинг ташкил қилиниши ўқувчи ва ўқитувчиларга қўл келмоқда. Ўқувчиларни тезкор ахборот маълумотлари билан таъминлаш мақсадида ушбу марказлардаги компьютер синфлари «ZiyoNET» тармоғига уланмоқда.

Таълимда сифат ўзгаришларига эришишда ўқитувчи, муҳандис-педагогларнинг ўрни катта. Бугунги кунда вилоятдаги ўрта таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўн мингга яқин ўқитувчи, муҳандис-педагог орасида саккиз нафар фан доктори, 34 нафар фан номзоди, 700 нафарга яқин олий тоифали ўқитувчи бор.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралда қабул қилинган **«Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»**ги қарори ижросини таъминлаш борасида изчил иш олиб борилмоқда. Олий таълим муассасалари қошида фаолият кўрсатаётган йигирмадан ортиқ малака ошириш марказлари ва факультетлари билан бу борада ҳамкорлик ўрнатилган. Шунга кўра, умумтаълим фанлари ўқитувчилари Қарши давлат университети, Тошкент давлат педагогика университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида, махсус фанлар ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институти, Самарқанд Давлат тиббиёт институти, Тошкент молия институти, Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти каби олий таълим муассасаларида ташкил этилган малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказларига жалб қилинмоқда.



Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш ҳам долзарб вазифа ҳисобланади. Шу мақсадда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг бўлимлари билан ҳамкорликда «Касблар фестивали», ихтисослаштирилган меҳнат ярмаркалари ўтказиб келинмоқда. Таълим муассасалари ва корхоналар ўртасида шартномалар имзоланиб, унга асосан ўқувчилар жойларда ишлаб чиқариш амалиёти билан танишишмоқда. Ўқиш ва амалиётни тенг олиб бориш натижасида етарли билим ва кўникмага эга битирувчиларимизнинг бандлик даражаси йилдан-йилга ошаётгани қувонарлидир.

Барча таълим муассасаларида иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва рағбатлантириш, йигит-қизларни дарслардан бўш пайтларида турли маърифий тадбирлар, спорт мусобақаларига жалб этиш диққат марказимизда турибди. Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, ОИТС сингари иллатлар тарқалишининг олдини олиш, ўғил-қизларимизни турли бузғунчи ғоя ва мафкуравий қарашлардан ҳимоя қилиш мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмиталари билан биргаликда мунтазам семинар-тренинглар ташкил этилаётир. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган юқори босқич ўқувчилари учун «Оилада соғлом турмуш тарзи асослари» бўйича махсус курс машғулотлари йўлга қўйилган.

Бошқармамиз тасарруфида 631 та спорт иншооти мавжуд бўлиб, уларда фаолият кўрсатаётган мингдан ортиқ спорт секциялари ва тўгаракларида 35 минг 700 нафар йигит-қиз йигирмадан зиёд спорт тури билан шуғулланмоқда. Ўқувчиларимиз ўртасида кўплаб нуфузли спорт мусобақалари ғолиблари етишиб чиқаётгани ёшларнинг спортга қизиқишини ошириш, маҳоратли истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш тадбирлари ўз самарасини бераётганидан далолатдир.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
журналист

Qonun ko`magi

Фермерлар фаолияти

ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўлиқ кафолатланади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шундан келиб чиқиб, адлия идоралари қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фермерликни янада ривожлантириш ҳамда шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришда фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, адлия идоралари томонидан 2009 йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, жумладан, фермер хўжаликлари билан тайёрловчи, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги 648 мингдан ортиқ шартноманинг тузишда ташкилий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, адлия идоралари иштирокида давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси харид қилиш бўйича 41 мингта, пиллачилик корхоналарига пилла етказиб бериш бўйича 52 мингта, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга минерал ўғит ва нефть маҳсулотлари етказиб бериш бўйича 100 мингдан ортиқ, агротехник ва бошқа хизматларни кўрсатиш бўйича 50 мингдан зиёд, шунингдек, давлат эҳтиёжлари учун 2010 йил ҳосилидан бошоқли дон экинлари навларини ва уруғлигини харид қилиш бўйича 53 мингдан ортиқ шартнома тузишга эришилди.

Тузилган шартномаларнинг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги устидан назорат ўрнатилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Шартномалар тузилишининг қонунийлиги ва унинг мажбуриятлари бажарилиши юзасидан ҳам доимий назорат ва мониторинг ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, адлия идоралари томонидан 2009 йил давомида шартномавий муносабатлар соҳасида аниқланган қонунбузилиши ҳолати бўйича давлат идоралари ва хўжалик юритувчи субъектларга 14 минг 663 та огоҳнома ва тақдимнома ҳамда қишлоқ хўжалиги ва шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасидаги қонунбузилишларига йўл қўймаслик, уларни бартараф этиш бўйича 494 та кўрсатма киритилди.

Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан «Поп пахта тозалаш» акциядорлик жамиятида ўтказилган ўрганишлар натижасида хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, фермер хўжаликлари билан тузилган шартномаларнинг тузилиши ва бажарилиши бўйича йўл қўйилган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан вилоят «Пахтасаноат» ХАБга тақдимнома киритилди. Тақдимнома натижасига кўра, жамият бош ҳисобчиси С.Комилова ҳамда катта ҳисобчи А.Жўраев эгаллаб турган лавозимидан четлатилди.

Амалдаги қонун талабига кўра, адлия идоралари хўжалик юритувчи субъектларга шартнома мажбуриятларини тузиш ва бажариш чоғида ҳуқуқий ёрдам кўрсатади, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида хўжалик шартномаларининг бажарилиш жараёнини назорат қилади. Шунга кўра, шартнома мажбуриятларининг бажарилиши бўйича адлия идоралари томонидан 2009 йил давомида судларга 97 миллиард 527 миллион 426 минг сўмлик 22 минг 994 та даъво аризаси киритилган бўлиб, шундан 77 миллиард 762 миллион 281 минг сўмлик 21 минг 398 та даъво аризаси қаноатлантирилган.

Бундан ташқари адлия идоралари томонидан фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб хўжалик судларига 5 миллиард 801 миллион 270 минг сўмлик 4 минг 439 та даъво аризаси киритилган. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Кўнғирот туманида фаолият юритаётган «Мырзагелди шекти» фермер хўжалиги бошлиғи Т.Усеновнинг мурожаатига кўра, «Агроинтехника МТП» акциядорлик жамиятида ўтказилган ўрганишлар натижасида жамият томонидан шартнома шартлари кўпол равишда бузилгани аниқланиб, фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб жамият ҳисобидан 12 миллион 500 минг сўм миқдорда устама ундириш тўғрисида хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилди.

Шунингдек, адлия идоралари томонидан фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида 136 та ҳамда жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан 28 та таклиф киритилди. Хусусан, Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан ўтказилган ўрганиш давомида «Бухоро экстракт» очиқ акциядорлик жамияти раиси ва бош ҳисобчиси муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ундириш бўйича тегишли чоралар кўрмагани аниқланиб, уларни маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатлар солиқ инспекциясига юборилди. Натижада жамият раиси А.Остонов ва бош ҳисобчи Р.Шарипов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддаси 3-қисмига биноан жавобгарликка тортилган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, бугунги кунда ҳар бир қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, шу жумладан, фермер хўжаликларининг фаолият юритишлари учун зарур бўлган имконият ва имтиёзлар яратиб берилган. Бундан оқилона фойдаланган фермер хўжаликлари юртимиз ривожига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишмоқда.

Фахриддин ҚЎЛДОШЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Transmilliy jinoyatchilik

Миллий қонунчилигимизда инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати олий қадрият сифатида эътироф этилган. Инсоннинг бу каби ҳуқуқларига дахл қилиш оғир жиноятдир. Аммо кейинги пайтда дунё миқёсида одам савдоси жиноятининг авж олгани ташвишланарли ҳолдир.

Инсон шаъни,

БМТ маълумотларига кўра, дунёнинг 127 мамлакатида одам савдоси кенг тарқалган, 137 давлатга четдан ишчи кучи келтирилади. Ўғирланган одамлар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг нафар шахс бу жиноят қурбонига айланиб, 600 мингдан 800 минг нафаргача аёллар ва болалар алдов йўли билан чет мамлакатларга олиб чиқиб кетилади.

Халқаро миграция ташкилоти эълон қилган маълумотлар эса бундан-да аянчли: шу пайтга қадар 5,7 миллион бола ўғирланиб, шундан 1,2 миллион нафари ҳалок бўлган, қолганлари оғир меҳнат қилишга мажбур этилган, кичик ёшдаги болалардан донор, бироз каттариб қолган болалардан эса ҳудудлардаги низоларда аскар сифатида фойдаланилган.

Буларнинг бари кимга ва нима учун керак, деган саволга қуйидаги рақамлар ойдинлик киритади. Халқаро экспертларнинг таҳлилига кўра, ҳозирги кунда дунё бўйича одам савдосидан тушадиган йиллик даромад 7 миллиард АҚШ долларидан ошар экан. Бу жиноят ортидан келадиган ноқонуний даромад аввалари қурол-яроғ ҳамда гиёҳванд моддалар савдосидан кейинги учинчи ўринда турган бўлса, эндиликда иккинчи ўринга чиқиб олган.

Мамлакатимизда ҳам бу умумбашарий муаммога қарши курашишга алоҳида эътибор бериляпти.

Шу ўринда аниқ мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Қаҳрамон Беккиев Касби туманининг Месит қишлоғида яшовчи Т.Жўраев, Ғ.Жўраев, З.Бобоқулов, И.Нарзиев, С.Жўраев ва З.Бобоқуловга Қозоғистон Республикасида иш борлигини, ҳар бир ойга 200 АҚШ доллари миқдорида иш ҳақи ваъда қилиб, уларни алдаб, фуқаролик паспортларини олиб қўйган. Сўнг уларни йўловчи автобусда Тошкент шаҳрига олиб бориб, дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган жиноий шериги Роҳат исмли аёл билан бирга чегарадан қўшни Қозоғистонга олиб ўтган. Остона шаҳрида Андрей ва Дмитрий исмли шахсларга уларни 4800 АҚШ долларига сотиб юборган. Бу шахслар «Иш ҳақингизни Роҳат ва Қаҳрамон олиб кетган», деб жабрланувчиларни 4 ой мобайнида ишлатган.

Суд ҳукмига кўра, Қ.Беккиев айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда одам савдосида айбдор деб топилиб, унга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Эътироф этиш керакки, 2008 йилнинг 17 апрелида **«Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»**ги қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда бу муаммога қарши курашиш ҳамда ундан жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Зотан, ушбу қонуннинг мақсади ҳам одам савдосига қарши курашиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдан иборатдир. Шунингдек, одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат идораларининг ваколатлари ушбу қонунда аниқ кўрсатилган. Одам савдосига қарши курашиш идоралараро характерга эга экани инобатга олиниб, бу борада давлат идораларининг фаолиятини мувофиқлаштирилиб, Республика идоралараро комиссиясини ташкил этилган. Қонунда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш (тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа) ҳамда ҳимоя қилиш қоидалари ҳам ўз ифодасини топган. Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг трансмиллий характери ҳисобга олиниб, бу борада ҳам халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Huquqiy ma`rifat

Фуқаролик процессида муддатлар

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Масалан, Фуқаролик кодексининг 153-моддасига кўра, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби, даъво муддати ўтган-ўтмаганидан қатъи назар, судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Даъво муддати — шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир. Лекин шундай бўлса-да, қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади (Фуқаролик кодексининг 153-моддаси учинчи қисми). Мазкур меъёрнинг мавжудлиги, ўз навбатида, даъво муддатини процессуал муддатлар тоифасига киритишга асос бўладими, деган табиий саволни юзага келтиради. Биз нингча, йўқ. Чунки даъво муддати мазкур ҳолатда суд учун қандайдир муайян бир вақтнинг ўтишини ёки процессуал ҳаракатларни амалга ошириш вақтини белгиламайди. Даъво муддати ушбу ҳолатда суд томонидан даъво талабини рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариш учунгина асос бўлади. Бу эса даъво муддатининг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этишга асос бўладиган жавобгарнинг бошқа моддий-ҳуқуқий эътирозларидан деярли фарқ қилмаслигини кўрсатади.

Иккинчи фарқ шундаки, процессуал муддатлар қонун билан белгиланади ёки суд томонидан тайинланади (Фуқаролик процессуал кодексининг 126-моддаси). Ишда иштирок этувчи шахслар ҳам, шунингдек, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ҳам ўз келишувлари орқали процессуал муддатларни ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас.

Процессуал муддатларни умумий ёки махсус меъёрда белгиланишига қараб, **умумий** ва **махсус процессуал муддатлар** турига ажратиш ҳақида фикрлар мавжуд. Масалан, Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддаси биринчи ва иккинчи қисмида ишни судда кўришга тайёрлаш ва кўриш муддатлари умумий муддатларга ажратилади. Унга кўра, фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ариза қабул қилинган кундан бошлаб, ўн кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим. Бундан ташқари, фуқаролик ишлари судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўрилиши умумий муддатларга мисол бўлади. Шунингдек, мазкур моддада ишни судда кўришга тайёрлаш ва кўриш учун махсус муддатлар белгиланган. Унга кўра, фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш муддати алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримига биноан кечиктирилиб, йигирма кунга етказилиши мумкин (Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддаси биринчи қисми). Бироқ алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек, боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича қўзғатилган ишларга оид ушбу муддатни узайтиришга қонун йўл қўймайди. Ушбу тоифадаги ишлар башарти тарафлар бир туман ёки шаҳарда жойлашган бўлса, биринчи инстанция суди томонидан судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай, бошқа ҳолларда эса, йигирма кундан кечиктирмай кўрилиши лозим. Фикримизча, судда фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган процессуал муддатларни умумий ва махсус турларга ажратиш тўғри бўлади.

Процессуал муддатларни, шунингдек, у йўналтирилган субъектларга қараб, турларга ажратиш ҳам назарда тутилган бўлиб, бундай муддатларга:

1) суд томонидан амалга оширилади ган ҳаракат учун белгиланган муддатлар;

2) суднинг топшириғини бажариш шарт бўлган ишда иштирок этувчи шахслар учун белгиланган муддатлар;

3) бир вақтнинг ўзида суд ва процесс иштирокчилари учун белгиланган муддатлар кириши ҳақида фикрлар илгари сурилади.

Бизнингча, процессуал ҳаракатни бажариш учун процессуал меъёрларда белгиланган процессуал муддатлар асосан **икки тур**га бўлинади:

— қонун билан белгилаб қўйилган процессуал муддатлар;

— суд томонидан тайинланадиган процессуал муддатлар.

Қонун билан белгилаб қўйилган процессуал муддатлар қуйидаги ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туради:

— **биринчидан,** суд амалга ошириши мумкин бўлган процессуал муддатлар фақат қонун билан белгиланади. Бу ўринда миллий қонунчилигимиз Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенциясининг 6-моддаси биринчи бандида кўрсатилган талаблардан келиб чиқади;

— **иккинчидан,** ушбу муддат хизмат тусига эга, бошқача қилиб айтганда, унинг ўтказиб юборилиши фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларга нисбатан ҳуқуқий таъсир кўрсатмайди: суд қонунда белгилаб қўйилган процессуал ҳаракатларни амалга оширишга мажбур ҳисобланади;

— **учинчидан,** ушбу муддатларни кечиктиришга истисно ҳолатларда, қонунда бевосита назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади (масалан, Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддаси).

Процессуал муддатлар йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланади. Процессуал муддатлар процессуал ҳаракатлар бажарилиши мумкин бўлган давр эътиборга олиниб, аниқ календарь куни билан белгиланади. Муддатнинг ўтиши календарь сананинг ёки муддатнинг бошланиши деб белгиланган воқеа юз берган куннинг эртасидан бошланади. Йиллар билан ҳисобланадиган муддат унинг охирги йилининг тегишли ойи ва кунида тамом бўлади. Ойлар билан ҳисобланадиган муддат тегишли ойда ва муддат охирги ойининг тегишли кунида тамом бўлади. Агар ойлар билан ҳисобланадиган муддатнинг охири тегишли куни бўлмаган ойга тўғри келса, муддат шу ойнинг охирги кунида тамом бўлади. Бу муддатнинг охирги куни иш куни бўлмаган кунга тўғри келган тақдирда ундан кейинги биринчи иш куни муддатнинг тамом бўлиш куни ҳисобланади. Муддати белгиланган процессуал ҳаракат муддатнинг охирги куни соат йигирма тўртгача бажарилиши мумкин. Шу билан бирга муддат бошқача тарзда ҳам, масалан, Фуқаролик процессуал кодексининг 127-моддаси учинчи қисмида кўрсатилганидек, албатта, содир бўлиши мумкин бўлган воқеани ёки ҳаракатни кўрсатиб ёхуд муайян даврни кўрсатиб ҳам белгиланиши мумкин. Агар процессуал ҳаракат судда бажарилиши лозим бўлса, белгиланган қоидаларга мувофиқ судда иш тугаган соатда муддат тамом бўлган ҳисобланади. Агар ариза, шикоят, ҳужжатлар ёки пул суммаси муддатнинг охирги куни соат йигирма тўртгача алоқа ташкилотига топширилган бўлса, муддат ўтмаган ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда процессуал ҳаракатларни бажариш учун қонунда белгиланган ёки суд тайинлаган муддатларни ишда иштирок этувчи шахслар турли сабаблар билан ўтказиб юборадилар. Бундай ҳолларда ишда иштирок этувчи шахслар процессуал ҳаракатни бажариш учун ўтказиб юборилган процессуал муддатни узайтириб ёки тиклаб бериш тўғрисида тегишли судга ариза бериши мумкин. Ўтказиб юборилган процессуал муддатларни узайтириш ёки тиклаш борасида шуни айтиш керакки, қонун билан белгиланган процессуал муддатлар фақат тикланиши, суд томонидан тайинланган муддатлар эса фақат узайтирилиши мумкин. Процессуал муддатларни узайтириш ёки тиклаш, бу муддатларни ўтказиб юборишнинг сабабига боғлиқ. Агар унинг сабаблари узрли бўлса (касал бўлиб қолиш, узоқ муддатга хизмат сафарига кетиш ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар) қонун билан белгиланган муддат тикланиши, суд томонидан тайинланган муддат эса узайтирилиши лозим.

Суд томонидан тайинланган муддатлар тараф ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимоси бўйича, прокурорнинг аризаси бўйича ва суднинг ўз ташаббуси билан ҳам узайтирилиши мумкин. Процессуал муддатнинг узайтирилиши муайян процессуал ҳаракатлар қилиш учун янги муддатнинг тайинланишидир. Суд томонидан тайинланган муддатлар ҳам узайтирилиши мумкин. Суд томонидан муддатнинг узайтирилиши (кечиктирилиши), масалан, Фуқаролик процессуал кодексининг 140-моддасида кўрсатилганидек, жавобгарни қидириш назарда тутилган ҳолларда, ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш суд мажлисида тарафларнинг иштирокида ҳал қилинади.

Даъво муддати ўтиб кетганлигини асос қилиб, даъво аризасини қабул қилиб олишни рад этиш қонунга хилофдир. Даъво муддатининг ўтиб кетиши даъво аризасини қабул қилиб олишни рад этиш учун асос бўлмайди. Бундай ҳолда суд даъво аризасини қабул қилиб олишдан олдин уни ўтказиб юборганлик сабабларини текшириб чиқиши лозим. Агар даъво муддати узрсиз равишда ўтказиб юборилган бўлса, суд даъвогарнинг даъво талабини рад этиши керак. Агар суд даъво муддатининг ўтказиб юборилганлиги сабабини узрли деб топса, шахсларнинг бузилган субъектив ҳуқуқини ҳимоя қилиши лозим.

Суд амалиётида ишни етарли даражада кўришга тайёрлаш босқичида тайёрламасдан судда кўришга тайёрлаш, ишни кўриш муддатини судьялар томонидан ўз хоҳишича белгилаш, суд топшириқлари бўйича далилларни ўз вақтида тўплаб, тегишли судга юбормаслик, қонун бўйича белгиланган процессуал ҳаракатларни бажариш муддатларининг бузилишига сабаб бўлади. Шу билан биргаликда фуқароларни ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатларини амалга ошириш имкониятларидан маҳрум қилади, ҳуқуқи бузилган шахснинг асоссиз равишда бузилган ҳуқуқини суд орқали ҳимоя қилиш борасида сарсон-саргардон бўлиб юришига сабаб бўлади, фуқаролик суд ишларини юритиш борасидаги амалдаги қонунчиликнинг бузилишига олиб келади. Бундай камчиликларга йўл қўймаслик учун барча бўғиндаги судлар ва иш бўйича ишда иштирок этувчи шахслар процессуал ҳаракатларни бажариш борасида ўрнатилган процессуал муддатларга қатъий риоя қилишлари талаб этилади.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
юридик фанлари доктори

Islohot va samara

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоячиси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур ҳужжат асосида суд-ҳуқуқ тизимининг узвий бўлаги ҳисобланган адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш, уни фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири сифатида эътироф этиш, энг аввало, адвокатуранинг жамиятдаги мавқеини кўтариш, кучли мустақил адвокатура тизимини барпо этиш орқали инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизими яратилди.

Фармон асосида адвокатуранинг ўзини ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизими — Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилди. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларидан мустақил бўлган ушбу янги нотижорат ташкилотга ҳозирги кунда республикамиздаги барча адвокатларнинг мажбурий аъзолиги таъминланди. Бу эса адвокатура тизимининг яхлитлигини таъминлади ва айни вақтда адвокатлар корпоратив бирлигини кучайтирди.

Адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талабларнинг кучайтирилгани соҳада ҳар томонлама етук мутахассислар фаолият кўрсатишига замин яратмоқда. Жумладан, номзодлар юридик соҳа бўйича иш тажрибасига эга ва адвокатлик тузилмаларида амалиёт ўтаган бўлиши ҳамда мунтазам равишда ўз касбий малакасини ошириб бориши шартлиги уларнинг билим, малака ва маҳоратини янада оширади.

Соҳага оид қонунчиликнинг такомиллаштирилгани, хусусан, **«Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун асосида ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса, унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади. Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамоқда бўлса, ҳимоячи у билан жиноят ишини юритиш учун маъсул давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг рухсатисиз, учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга ҳақли.

Шунингдек, эндиликда гувоҳ ҳам адвокатнинг юридик ёрдамидан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ҳимоячи ҳам далиллар сифатида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни, хусусан, ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш, давлат органларига ва бошқа идораларга, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олишга ҳақли. Ҳимоячининг тўпланган материалларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан, албатта, қаноатлантирилиши керак.

2009 йил 11 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»**ги қонун асосида ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишида иштирок этишига йўл қўймасликка оид тарафлар вакиллиги институти янада ислоҳ қилинди. Эндиликда судда иш юритиш бўйича вакил сифатида фақат профессионал фаолият билан шуғулланувчи адвокатлар қатнашиши мумкин. Қонунда шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил бўлиши мумкин бўлган шахслар доираси ҳам белгилаб берилди.

Хулоса қилиб айтсак, адвокатларнинг касб одоби қоидаларига риоя этилиши ҳамда кўрсатилаётган юридик ёрдамнинг сифатини назорат қилишнинг самарали механизми яратилгани жамиятда адвокатуранинг ўрни ва мавқеи ошишига, муҳими, инсон ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишига замин яратди.

Худойқул ҲОЖИЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Тошкент вилояти
суди судьяси

Huquq va burch

Меҳнат ҳуқуқи кафолати

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ низоларни кўриш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, иш берувчи томонидан қонун талаблари бузилиши суд томонидан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқни бекор қилишга асос бўлмоқда.

Масалан, даъвогар Н.Ўлжаева судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Хатирчи тумани уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи директорининг маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасига ишга тиклашни, мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарарни ундириб беришни сўраган. Суд қарори билан унинг даъвоси қаноатлантирилиб, у ўз лавозимига ишга тикланган.

Иш берувчининг Н.Ўлжаева билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруғининг ғайриқонуний деб топилиши ва унинг ишга тикланишига иш берувчи томонидан меҳнат қонунчилигининг қатор талаблари бузилиши сабаб бўлган. Жумладан, даъвогар Н.Ўлжаева 2005 йилдан буён Хатирчи тумани уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи директорининг маънавият-маърифат ишлари бўйича директори ўринбосари лавозимида ишлаб келган бўлиб, мазкур коллеж директорининг 2009 йил 1 июлдаги №26-сонли буйруғига асосан у эгаллаб турган лавозимидан озод этилган ва ўз малакаси бўйича иш билан таъминланиши белгиланган. Меҳнат кодексининг 100-моддасида кўрсатилишича, номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шарт, жумладан, ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиги ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосли эканлигини билдиради.

Судда аниқланишича, даъвогар Н.Ўлжаева билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқда асос сифатида Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди кўрсатилган бўлса-да, мазкур буйруқни чиқарган коллеж директорининг баён қилишича, Н.Ўлжаева билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга унинг малакаси тўғри келмаганлиги, яъни педагог бўлмаганлиги асос қилиб олинган.

Меҳнат кодексининг 101-моддасида, башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди, деб белгиланган.

Хатирчи тумани уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи билан бошланғич касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2009-2011 йиллар учун тузилган ҳудудий келишувнинг 11-бандида Меҳнат кодексининг 100-моддасига асосан иш берувчининг ташаббусига биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда касаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розилигини олиш қайд этилган.

Олий суд пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги **«Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида»**ги қарорининг 21-бандида ходим билан меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббусига кўра касаба уюшмаси ёки бошқа вакиллик органининг розилигисиз бекор қилингани аниқланса, суд меҳнат шартномаси бекор қилинганлигини ноқонуний, деб топади ва ходимнинг ишга тиклаш ҳақидаги талабини қаноатлантиради, деб кўрсатилган.

Судда аниқланишича, Н.Ўлжаевани иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатишга розилик бериш тўғрисида коллеж касаба уюшмаси қўмитасига тақдимнома киритилмаган ҳамда касаба уюшмасининг олдиндан розилиги олинмаган. Меҳнат кодексининг 107-моддасида меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилиши ва буйруқ билан расмийлаштирилиши кўрсатилган.

Навоий вилояти ҳокимлиги ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг 2009 йил 29 июлдаги №01-23/398-сонли хатида кўрсатилишича, Хатирчи тумани уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи директорининг маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари лавозими бошқарма номенклатурасида туради. Бундай ҳолатда Хатирчи тумани уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи директори даъвогар Н.Ўлжаева билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган.

Бундай қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш, низоларнинг келиб чиқишига йўл қўймаслик учун раҳбар ва ходимларни меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий саводхонлигини мунтазам равишда ошириб бориш зарур. Қонунларни барча фуқаролар ва иш берувчилар пухта билса ҳамда уларга қатъий амал қилса, ҳеч шубҳасиз, ортиқча оворагарчиликка ўрин қолмайди.

Шерали ТОШЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Кармана туманлараро суди раиси

Qilmish-qidirmish

Сохта лицензияли «тадбиркор»

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга аҳд қилган ҳар бир инсон ўз имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқариши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Айни пайтда тадбиркор имтиёз, эркинлик ва ҳуқуқларга эгалиги баробарида қонун билан белгиланган мажбуриятларни ҳам ўз вақтида бажариши лозим. Бугун қонун доирасида фаолиятини йўлга қўйиб, катта ютуқларга эришаётган, имтиёз, имкониятлардан тўлиқ фойдаланаётган юртдошларимиз кўпчиликни ташкил этади.



И.Ҳожиев «Avalon imkon star» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, 2008 йил октябрда Пешку тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида рўйхатдан ўтди. Унинг мақсади «МЧЖ» орқали улгуржи савдо фаолиятини йўлга қўйишдан иборат эди.

Улгуржи савдони амалга оширишни истаган тадбиркор Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги «Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, лицензия олиши шарт. Туман ҳокимлигида ҳам И.Ҳожиевга бу талаб батафсил тушунтирилди. Бироқ «МЧЖ» низом жамғармасини нақд пулда шакллантиришга учун маблағи бўлмаган И.Ҳожиев улгуржи савдо учун лицензия ололмади. Қизиғи шундаки, молиявий имкониятларини тўғри чамалай олмаган тадбиркор ҳали тегишли ҳужжати бўлмай туриб, бир неча корхона билан шартнома тузади, ҳатто корхоналар маҳсулот олиш учун пул маблағларини кўчириб ҳам беришади. Табиийки, лицензияга эга бўлмагач, пулларни қайтариш лозим. Аммо ҳисоб рақамидаги пул И.Ҳожиевнинг ҳаловатини ўғирлади. У қандай йўл билан бўлса ҳам, пулларни қайтармаслик чорасини излай бошлади. Елиб-югуриб 2008 йил январда «Ярқироқ шуъла» МЧЖга берилган улгуржи савдо лицензиясини қўлга киритди ва шу ҳужжатни қалбакилаштириб, банкка топширди. Ҳатто ҳужжат нусхаси қалбаки эканлиги билдирмаслик учун нотариус тасдиғини ҳам сохталаштириб, лицензиянинг нусхаси шаклида керакли жойларга тақдим этаверди.

И.Ҳожиев бу билан ҳам чекланмай, турғун савдо шохобчаси ва назорат-касса машинаси бўлмаса-да, чакана савдони ҳам йўлга қўйиб, қурилиш ашёлари, хўжалик ва канцелярия моллари олди-сотдиси билан шуғулланди.

(Давоми тўртинчи бетда)

қадри — муқаддас

Мамлакатимиз одам савдосига қарши курашишга оид қатор халқаро ҳужжатларни, жумладан, БМТнинг **«Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»**ги Конвенциясини, ушбу Конвенцияни тўлдирувчи **«Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида»**ги Протоколни ратификация қилди ва халқаро ҳуқуқ меъёрларини миллий қонунчиликка имплементация қилишга доир тегишли ўзгартиришлар киритди.

«Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги қонун қабул қилингач, амалдаги Жиноят кодексининг 135-моддаси янги таҳрирда баён этилди ва ушбу қонун 2008 йил 16 сентябрдан бошлаб амалга киритилди. Унга кўра, одам савдоси учун жавобгарлик белгиланиб, жиноят таърифи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлаштирилди ва бу жиноятга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида жазо чоралари кучайтирилди.

Бундан ташқари 2008 йил 8 июлда давлатимиз раҳбарининг **«Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича ишларнинг Миллий режаси, Одам савдосига қарши курашиш бўйича Идоралараро комиссиясининг Низоми ҳамда одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро республика комиссияси таркиби тасдиқланди.

Бугунги кунда жойларда одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий адлия, божхона, соғлиқни сақлаш, молия, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармалари, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» жамғармалари вакилларидан иборат Идоралараро комиссиялар ташкил этилиб, доимий фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари Олий суднинг яқинда бўлиб ўтган Пленуми ҳам ана шу масала муҳокамасига бағишланиб, унда **«Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарор қабул қилинди.

Таҳлилларга кўра, тергов идоралари ва судлар фаолиятида одам савдоси жиноятининг объектив ва субъектив томонларига баҳо беришда, одам савдоси жиноятини бошқа жиноятлардан фарқлашда, қилмишни квалификация қилишда айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда. Шу боис Пленум қарорида тергов идоралари ва судларга одам савдоси билан боғлиқ ишларни кўришда қонун меъёрларини тўғри қўллаш борасида тегишли тавсиялар берилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда бу жиноят янада авж олиши турган гап. Шу боис одам савдосига қарши курашиш борасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Холмамат ҲАСАНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Қашқадарё вилояти
суди раиси

Jinoyat va jazo

«Ниятинг – йўлдошинг», дейишади кўпни кўрган кексалар. Дарҳақиқат, бу ҳикмат замирида катта маъно мужассам. Ҳаёт шундай яратилган — ким нимани истаса ва унга астойдил интилса, ниятига албатта етади. Қонунни менсимай, унинг талабларига амал қилмай, тақиқланган хатти-ҳаракатларга йўл қўйган, мақсадига шу тарзда эришмоқчи бўлган киши ҳам қаттиқ адашади.

Эгри йўлнинг охири — надомат

Суд очерки

Қурбон аканинг (исм-шарифлар ўзгартирилди) ўғли Қисматжон Тошкент шаҳридаги бир ташкилотга ишга кириш учун ариза топширди. Қоидага кўра, ишга кирувчи шахс шаҳарда рўйхатдан ўтган бўлиши лозим. Аммо Қисматжон туғилиб ўсган шаҳрида рўйхатда турарди.

Қайси ота ўғлига ёрдам беришни, унинг муқкулларини осон қилишни истамайди, дейсиз. Қурбон ака ҳам ўғлининг муаммосини ҳал этишга киришди. Бироқ уни қонун-қоидаларга мувофиқ ишни бошлади десангиз, янглишасиз. Қурбон ака бошқача йўл тутди.

У дастлаб қайноғаси Салим акага маслаҳат солди:

— Ака, биласиз, ўғлим ишга кириш учун шаҳардан рўйхатдан ўтиши керак экан. Шунга... бирор танишингиз бўлса, айтинг, ишимизни тўғрилаб берсин. Албатта, хизматини эсдан чиқармаймиз...

Хуллас, Салим ака бир неча кундан сўнг куёвининг олдига янгилик билан келди:

— Мурод деган танишим билан гаплашдим. Унга бемалол ишонса бўлади. Фақат сал қимматроқ сўрайди, шунисига чидасангиз, бас. Биласизку, бунақа ишларни битириш осон эмас.

(Давоми тўртинчи бетда)

Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонуний ҳимоя қилиниб, уларнинг ҳар томонлама камол топишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Замонавий таълим муассасалари бунёд этилиб, таълим-тарбиянинг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани ёшларнинг чуқур билим ва дунёқарашга эга бўлишига хизмат қилмоқда.

Saboq

Тарбия масъулияти

Шу ўринда ҳали ҳаётий тажрибаси кам ёшларга тўғри йўл кўрсатиш, оқ-қорани ажрата олишларига кўмаклашиш долзарб аҳамиятга молик масала эканини алоҳида қайд этиш жоиз.

Табиийки, эндигина катта ҳаёт остонасида турган айрим ёшларнинг нотўғри йўлга тушиб қолишининг муайян сабаблари бор. Ҳолбуки, бола бошидан, деганларидай, ёшликдан тарбияланиб, унинг тўғри йўлга тушиши таъминланмас экан, феъл-атворидаги нуқсон охир-оқибат ўзини намоён қилиши шубҳасиздир.

Буни эндигина 16 ёшни қаршилаган Тоҳир Шокиров мисолида ҳам кўриш мумкин. У анча ёш бўлса-да, бир эмас, нақ уч бор жиноятга қўл уриб улгурди. Қилмишига яраша жазо ҳам олди. Биринчи марта жиноят содир этганида унинг вояга етмаганлиги, оилавий аҳволи каби жиҳатлар инобатга олиниб, енгиллик яратилганди. Афсуски, у бу мурувватни тўғри тушунмади.

...Тоҳир 2009 йил 3 июль куни шом пайтида таниши билан «Қўйлиқ» бозори томон йўл олди. Бир жойда сабр билан ишламагандан сўнг чўнтакда шамол ўйнайди. Бу кимсаларнинг нафси эса яхши ейишни, бировларга кўз-кўзлагудай кийинишни истайди. Тоҳир билан унинг ўртоғи бўлса, пулни меҳнат қилиб эмас, бировни қақшатиб топишга қарор қилганининг ўзиёқ уларнинг қандай одам эканлигини кўрсатиб турибди.

Қисқаси, ўша куни Тоҳир ва унинг шериги ер ости йўлагида у ёққа-бу ёққа ўтаётган одамларни кузатиб, тунаса бўладиган «ўлжа»-ни узоқ пойлашди. Ниҳоят, вақт ярим кечага яқинлашганда уларнинг кутгани кўрингандай бўлди. Телефонда гаплашиб келаётган кишининг юриш-туришидан кайфи борлиги билиниб турарди. Уларга эса худди шу керак эди. Тоҳир нотаниш кишини тўхтатиб, гапга солди: «Кечирасиз, оғайни, пулимиз тугаб қолди. Бир яхшилик қилинг. Шеригим билан уйимизгача етиб олайлик...».

Кутилмаган мурожаатдан сўнг йўловчи телефонини ўчириб, рўпарасида турган йигитларга қараб бир муддат тараддудланиб қолди. Тоҳир бояги гапларини яна такрорлади. Йўловчи мақсадни англаб, чўнтагига қўл суққан ҳамон туйқусдан юзига келиб тушган зарбдан қалқиб кетди. Иккинчи зарбадан сўнг ўзини тутиб туролмай, ерга қулади. Айни шуни кутиб турган йўлтўсарлар эса йўловчининг қўл телефонига қўшиб чўнтагидаги 15 минг сўмини ҳам ўмаришганча, жуфтакни ростлаб қолишди...

Бироздан сўнг ўзига келган жабрланувчи дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат этди. Ички ишлар ходимларининг тезкор қидируви натижасида йўлтўсарлар қўлга олинди. Жиноят ишлари бўйича Бектемир тумани суди Тоҳир Шокировнинг муқаддам жиноят содир этганини ҳам инобатга олиб, унга нисбатан қонуний жазо тайинлади. Т.Шокировга шериклик қилган иккинчи жиноятчи эса аввал жиноятга қўл урмагани, адашганлигидан қаттиқ пушаймонда эканлиги боис шартли равишда озодликка чиқарилди.

«Саёқ юрган таёқ ейди», деган нақл бор. Дарҳақиқат, бемаҳалда кўчада дайдиб юрадиган баъзи ёшларнинг тарбиясида нуқсони борлиги аниқ. Бу эса ота-оналар, устоз ва мураббийлар, маҳалла аҳлининг зиммасида тарбиячиликдай улуғ бурч борлигини, унга зинҳор беэътибор қараб бўлмаслигини кўрсатади.

Нишонмурод МИРЗААЛИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Бектемир тумани суди раиси

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Ҳалол йўл билан ютуққа эришиш қийин бўлсада, унинг завқи тотли, ширин бўлади.

* * *

Илм инсонпарварлик тожидир. Инсон фақат илм ва одоб билан шараф топади. Илм инсонни улуғлаб, ундан яхши ёдгорлик қолдиради.

* * *

Ҳар бир муваффақият синаб кўришдан бошланади.

* * *

Нафсни енгишдан вужуд жафо тортади, аммо бундан кўнгил сафо топади.

* * *

Тилинг ва дилинг бир бўлмагунича, ҳақиқий инсон бўлолмайсан.

* * *

Бошқалардан ҳеч нарса тама қилмаган инсон бахтлидир. Чунки унинг хаёллари асло пучга чиқмайди.

* * *

Омаднинг сири касбни иш деб эмас, севимли машғулот деб тушунишдадир.

Qilmish-qidirmish

Сохта лицензияли «тадбиркор»

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Савдодан анча-мунча нақд пул тушса ҳам, у на кирим ҳужжатларини, на ҳисоботларни юритишни хаёлига келтирди. Бу билан И.Ҳожиев даромадидан солиқ ҳам тўламасликка «эришди». Бош ҳисобчи сифатида имзосини тасдиқлатиб олган Т.Зоирова эса И.Ҳожиевнинг бу қилмишларидан бутқул бехабар эди. Чунки МЧЖ фаолиятини И.Ҳожиевнинг бир ўзи юритган. У 2008 йилнинг 4-чораги учун ДСИга тақдим қилган ҳисоботларида пул-товар айланмасини тўлиқ кўрсатиб ўтишни ҳам «эсдан чиқарди».

Қонун моҳиятан адолатга таянади. Бунда фирибгару қонунбузарларнинг кирдикорлари фош бўлиб қолиши тайин. Тегишли идоралар томонидан ўтказилган текшириш жараёнида И.Ҳожиевнинг ҳам қилмишлари ошкор бўлиб қолди. Маълум бўлишича, сохта лицензия билан 2251714,5 минг сўмлик улгуржи савдо фаолиятини амалга оширган МЧЖнинг низом жамғармаси умуман шакллантирилмаган, бошланғич ҳисобхона ҳужжатлари ҳам йўқотиб юборилган экан.

Сохта тадбиркор И.Ҳожиев жиноий жавобгарликка тортилди. Суд унга Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосланиб, қонуний жазо тайинлади. Пешку тумани ДСИга етказилган 16 миллион 30 минг сўмлик зарар ҳам И.Ҳожиевдан ундирилди.

Донишмандларнинг таъкидлашича, виждонан, ғайрат билан меҳнат қилган киши, албатта, ниятига эришади. Ҳаёт тажрибаси ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Зеро, ҳалоллик, масъулият, ростгўйлик кишига ҳеч қачон панд бермаган. Аксинча, виждонига хилоф иш қилган, бировларни алдайман, деб ўйлаган кимсалар ўзлари қазиган чоҳга ўзлари тушган.

Яҳё АНДАЕВ,
Пешку тумани прокуратураси терговчиси
Лолахон МАНСУРОВА,
журналист



Баҳор мўъжизаси

Jinoyat va jazo

Эгри йўлнинг охири — надомат

Суд очерки

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шунинг учун пулнинг бетига қараб ўтирсангиз, ишингиз бир қадам ҳам силжимайди. Ҳозирдан билиб қўяверинг, Мурод 4000 доллар сўраяпти. Тағин унинг олдига борганда савдолашиб ўтирманг, нозик одам, хафа бўлади, деб айтяпман-да буни.

Қурбон ака нархнинг «қимматроқ» эканлигига ҳам, қайноғасининг огоҳлантиришлари ортида нима яширинганига ҳам парво қилиб ўтирмай, божаси Турсунали акадан 4000 АҚШ доллари қарз кўтарди. Пул тайёр бўлгач, қайноғакуёв Салим аканинг «Матиз»ида Тошкентга йўл олишди.

Қурбон аканинг фикрича, бу «учрашув» кутилганидан ҳам самаралироқ бўлди. Аввало, қайноғаси айтган Муродни ишхонасидан топишди. Муроднинг ишонтиришича, танишлари кўп бўлиб, улар орқали ишни осон ҳал қилиш мумкин. У Салим ака узатган (сал аввалроқ Қурбон ака берган эди бу пулни) 2700 АҚШ долларини олиб, қолганини келаси ойнинг ўнинчи кунигача олиб келишларини тайинлади. Қурбон ака пулга қўшиб ўғли билан келининг фуқаролик паспортларини, ФХДЁ идораси берган гувоҳномани, неварасининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини ҳам берди. Қурбон аканинг кўнгли яна шундан тўқ бўлдики, Мурод баъзиларга ўхшаб «бирор куни ҳал қиламиз бу масалани», демади, муддатни аниқ айтди: «2009 йилнинг 15 январигача!».

Юқорида айтилганидек, Қурбон ака ишининг битишига шу қадар ишонган эдики, ҳеч ўйланмай келаси ойнинг ўнинчи кунига қадар Мурод Сатторовнинг олдига келиб, 1300 АҚШ долларини бериб кетди. Муроднинг ваъдаси эса ўша-ўша эди: «Яна уч ойдан сўнг, 2009 йилнинг 15 январигача ишингизни битказамиз!».

Бу гаплар 2008 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида бўлиб ўтган эди. Кун санаган кишига вақтнинг ўтиши қийин бўлади. Гарчанд Қурбон аканинг ҳам ичи қизиб кетаётган эса-да, ваъда берилган кунгача Муродни безовта қилмади. Ниҳоят, 2009 йилнинг январь ойи яримлаганда Муродга қўнғироқ қилди. Бироқ... бироқ негадир аввалига ваъдани қуюқ берган Мурод ҳали уни, ҳали буни рўкач қилиб, ишни пайсалга сола бошлади. Қисқаси, «ана бита-ди-мана битади» деган баҳоналар билан орадан беш ойга яқин вақт ўтди. 2009 йилнинг май ойидан бошлаб эса Муроднинг телефони буткул «ишламай» қолди...

Қурбон ака алданганини сезиб, қайноғаси билан Муроднинг иш жойига борди. Аммо уни бу ердан топишолмади. Айтишларича, Мурод бошқа жойга ишга ўтиб кетибди. «Қаерга?» — деб бараварига сўраган қайноға-куёвга бир манзилни айтишди. Лекин айтилган манзилга келиб билдиларки, Мурод Сатторов бу ерда ҳам ишламас экан.

Муроднинг уйига боришдан ҳам наф чиқмади. Оиласидагилар уни уйда йўқ, дейишдан бошқа гап айтишмади. Хуллас, боши деворга «тақ» этиб текканини ниҳоят тан олган Қ.Пардаев ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилди.

Ушбу шикоят батафсил ўрганиб чиқилганда М.Сатторов масъул мансабдор шахс бўла туриб, таниши С.Хуррамов билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида ўзаро олдиндан тил бириктириб, Қ.Пардаевнинг ишончини суиистеъмол қилганлари, жумладан, унинг ўғлини Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказишга ёрдам беришни ваъда қилиб, эвазига 4000 АҚШ доллари сўраганликлари маълум бўлди. Қизиғи шундаки, суриштирув-тергов жараёнида С.Хуррамовнинг ҳам айблари ошкор бўлиб қолди. Гап шундаки, С.Хуррамов куёви Қурбон Пардаевдан «Муродга бераман» деб олган 2700 АҚШ долларининг 500 АҚШ долларини ўзининг чўнтагига урган экан. Буни Салим Хуррамов Мурод билан келишиб қилган. Яъни у Муродга: «Фалон куни куёвим билан келамиз, мабодо у кўпроқ пул берса, ажабланиб ўтирманг», дейди. Шу боис ҳам аввал муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат берган С.Хуррамов суд залидан қамоққа олинди.

Судда мазкур жиноят иши атрофлича ўрганиб чиқилиб, жиноятчилар М.Сатторов ва С.Хуррамовга қонунда белгиланган тарзда жазо чораси тайинланди. Шунингдек, Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 16-бандига асосан, Қ.Пардаев жабрланувчи эмас деб топилиб, жиноят оқибатида унга етказилган моддий зарардан қолган 3500 АҚШ доллари (судланувчи С.Хуррамов фирибгарлик билан эгаллаган 500 АҚШ долларини қайтариб берган, суддаги кўрсатмасида Қ.Пардаев ҳам буни тасдиқлаган эди) судланувчилардан солидар тартибда давлат фойдасига ундириладиган бўлди. Пленум қарорининг ушбу бандида «Пора берувчиларнинг порада товламачилик ёки пора берганлик тўғрисида ихтиёрий ариза бериш асосларига кўра жиноий жавобгарликдан озод этиш бу шахсларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлигини билдирмайди. Шу сабабли улар жабрланувчи деб топилмайди ва пора тарифасида берилган бойликларни қайтариб олишни талаб қилишга ҳақли эмаслар», деб кўрсатилган.

М.Сатторов ва С.Хуррамовнинг ижтимоий қилмишлари эса янада хавфли, бинобарин, бу ҳақда кўпроқ гапириш мумкин. Аммо эътибор берилса, бундай жиноятчиларнинг тегирмонига Қ.Пардаев сингари пора бериб, иш битказмоқчи бўлган кишилар ҳам сув қуяётгани, демакки, фирибгарлик каби хавфли жиноятларнинг олдини олишда бу жиҳатни ҳам назардан қочирмаслик лозим эканлиги маълум бўлади. Бир сўз билан айтганда, ҳақ-ҳуқуқни талаб қилиш учун бурч-мажбуриятни ҳам унутмаслик керак.

Фарҳод МУСТАФАЕВ,
Тошкент шаҳри Миробод тумани прокуратураси катта терговчиси

Maslahat

Васийлик ва ҳомийлик

қандай ҳолларда, кимларга тайинланади?

Ҳеч кимга сир эмас, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалда тўлиқ таъминлашда кўпгина омиллар қатори васийлик ва ҳомийлик идоралари ҳам муҳим ўрин тутади.

Маълумки, васийлик ва ҳомийлик ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, таълим-тарбиясига қайғуриш, шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган болаларга ҳамда суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан васийлик, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларга, шунингдек, суд томонидан муомала лаёқати чекланган шахсларга нисбатан ҳомийлик тайинланади. Васийлик ва ҳомийликни амалга ошириш, тегишлилигига қараб, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот бўлимлари зиммасига юклатилади. Васий ва ҳомийни тайинлаш вақтида унинг шахсияти, мажбуриятларни бажариш қобилияти, васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахс билан муносабати, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликка олинувчининг хоҳиш-истаги каби жиҳатлар эътиборга олиниши лозим. Чунки қонунда васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин бўлмаган шахслар доираси ҳам белгиланган. Ушбу тоифага ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ушбу ҳуқуқ чекланган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахслар киради. Васий ёки ҳомий этиб тайинланган шахс соғлиғи ёмонлашганда, шунингдек, қонун билан белгиланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда васийлик ва ҳомийлик мажбуриятидан озод қилинади ёки четлатилади.

Ш.ҲАБИБУЛЛАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди судьяси

Tafakkur gulshani

Маҳмуд САТТОР

Нега шундай деймиз?

Инсоф сари барака. Халқимиз азалдан инсоф-диёнат, ҳалолликни энг яхши инсоний фазилатлар сифатида қадрлаб келган. Шу боис ота-боболаримиз қилаётган ишларининг баракасини ҳам, кўрадиган моддий манфаатини ҳам, аввало, инсофдан, деб ҳисоблашади. Имон-эътиқод, ишонч, кўнгилда чинакам поклик, диёнат билан касб-ҳунар эгаллаш, тадбиркорлик қилиш оилага, жамиятга қут-барака киритади. Аксинча, олчоқлик, кўзбўямачилик, хиёнат, аввало, инсонни тўғри йўлдан оздиради.

«Инсофли ошини ер, инсофсиз бошини» деган мақолда ҳам инсофли бўлиш яхши самара бериши, инсофсизликнинг эса оқибати ёмон экани уқтирилади. Ушбу мақол ўзига, эл-юртига яхшиликни истаган ҳар қандай одам учун ҳаётий шиор вазифасини ўтайди.

* * *

Дарахт бир жойда кўкаради. Чиндан ҳам, ниҳолни бир жойдан иккинчи жойга кўчираверсангиз, сўлиб, охири қурийди. Бир жойда яхши парвариш қилинса, кўкариб, яшнаб-гуркирайди. Бу мақол билан халқимиз: «Ҳаётда сабрли бўл. Агар қаноатсизлик қилиб, иссиқ жойингни совитсанг, борган (янги) жойингда ҳам қадр-қиммат топа олмайсан. Ўз ерингга қаноат қилсанг, охири камолга етиб, барака ва қадр топасан», деган маънода панднасиҳат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд бўлим бошлиғи Маматжон Ғанижоновга отаси

Ғанижон отанинг

вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.

G'aroyib olam

Ажабтовур қонунлар, ғалати қоидалар

АВСТРАЛИЯДА:

● Болаларнинг тамаки сотиб олиши тақиқланади, аммо чекиши ман қилинмаган.

● Машинада калитни унутиш ва уни қаровсиз қолдириш тақиқланади.

АНГЛИЯДА:

● 25 декабрда ширин пирог ейиш қонунан тақиқланган.

● Спиртли ичимликлар сотишга рухсат этилган бинoларда уларни истеъмол қилишга қонунан рухсат этилмайди.

● Қонун бўйича аёл киши жамоат транспортида шоколад ейишга ҳақли эмас.

БРАЗИЛИЯДА:

● Офтобда тобланаётганларнинг елкасига музқаймоқни тушириб юбориш мумкин эмас.

ИТАЛИЯДА:

● Табиблик билан шуғулланиш тақиқланган.

● Эркаклар юбка кийгани учун ҳибсга олиниши мумкин.

● Мушт билан уриш оғир жиноят ҳисобланади.

ЯПОНИЯДА:

● Никоҳдан ўтиш ёши қонунда белгилаб қўйилмаган.

ТАИЛАНДДА:

● Агар пиёдалар йўлакчасига сақич ташлаган пайтда сизни тутиб олишса, 600 АҚШ доллари миқдорида жарима тўлашга мажбурсиз. Агар бош тортсангиз, ўзингизни нақ қамоқда кўрасиз!

● Машина бошқараётган кишининг эгнида кўйлак бўлиши шарт.

СИНГАПУРДА:

● Мабодо сиз кўчага уч марта ахлат ташлаганликда айбланса нгиз, якшанба куни бўйнингизга «Мен ахлат ташладим!» деган ёзувни осиб, кўча супуришга мажбур этиласиз. Кейин маҳаллий янгиликларда ўзингизни шу аҳволда кўраверинг!

● Метрода сақич чайнаш тақиқланади. Агар сизни ушлаб олишса, ё жарима солишади ёки ҳибсга оладилар.

Интернет материаллари асосида Нурпўлат НУРҚУЛОВ тайёрлади.

КУЧ—АДОЛАТДА
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФАЕВ, Олимжон ИСМАИЛОВ, Шерали РАҲМОНОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Нуриддинжон ИСМОИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Муҳаммад АЛИ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Дилбар СУЮНОВА, Масардин ҲАСАНОВ, Юлчибой ТУРСУНБОЕВ, Шоюнус ҒОЗИЕВ, Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Алибек ЭРГАШЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-218. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 8440. 1 2 3 5 Топширилди: 23⁰⁰